

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 56 (20.024) • 1988 йил 8 март, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — планета хотин-қизларининг интернационал бирдамлиги байрами билан самимий муборакбод этади!

Бу порлоқ баҳор байрами онага, социалистик Ватан меҳнатчи аёли ва ватанпарварига астойдил иззат-хурмат ҳамда меҳр-муҳаббат ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошгандир.

Шонли ватандош аёлларимизнинг номлари революцион ҳаракат тарихига, советлар мамлакатининг меҳнат ва жаңговар солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Улуғ Октябрь, Ленин партияси илк бор аёлларга ўз тақдирининг ҳужайини, социал-иқтисодий ўзгаришларнинг тўла ҳуқуқли қатнашчиси бўлиш имкониятлари ва реал қафолатларини берди, маориф, фан, маданият сари, давлатни бошқариш сари кенг йўл очди.

Ҳозир, революцион қайта қуришнинг масъулияти даврида, партия XXVII съездининг қарорларини амалга ошириш учун курашган ҳал қилувчи босқичда В. И. Лениннинг «Аёлларнинг ёрдами, пухта ўйлаб иш тутиши ва онглилиги билангина мустақамлаш мумкин», деган сўзлари

том маънодаги аҳамияти билан қабул қилинмоқда.

Совет хотин-қизларининг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашга, уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, поликлиникалар қуришга, она ва бола соғлигини муҳофаза қилишга доимий эътибор бериш партия ва давлат социал сиёсатининг асосий йўналишлари, бугунги куннинг энг муҳим вазифалари бўлиб қолди. Шаҳарлар ва қишлоқларда, корхоналар ва турар жой микрорайонларида иш қўраётган хотин-қизлар кенгашлари касаба союз ташкилотлари билан биргаликда оғир қўл меҳнати тугатишга, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятини оилавий вазифалар билан яхшироқ қўшиб олиб бориш учун хотин-қизларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришга сабот билан эришишлари, белгиланган имтиёзлар жорий этилишини кузатиб туришлари, кўп болали оналарга ёрдам беришлари керак.

Социалистик жамият юксак ахлоқ нормалари турмушининг қатъий нормаси сифатида ҳамма жойда ва ҳар бир ишда қарор топтириладиган астойдил манфаатдордир. Социалистик жамият инсоний ўзаро муносабатларда юксак маданиятга ва виждонликка, оиланинг мустақамлашшига

муҳтождир. Социалистик жамият ўқимли, соғлом, изланувчан, эътиқодли ва коммунистик идеалларга садоқатли муносиб ўринбосарларини тарбиялашга зўр куч-ғайрат сарфламоқда.

Мана шу барча гоёт муҳим иқтисодий, социал-сиёсий вазифаларни ҳал этишда, жамиятнинг маънавий ва ахлоқий муҳитини янгилашда хотин-қизларнинг роли бениҳоят каттадир.

Таркиб топаётган янгича халқаро вазиятда тинчлик учун курашувчи хотин-қизларнинг оммавий ҳаракати тобора таъсирчан куч бўлиб қолмоқда. Совет хотин-қизлари инсониятнинг ядро қуролидан холи дунё сари олиб боришдан иборат Совет Программасини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Азиз хотин-қизлар!

Сизларга чин қалбдан сўхат-саломатлик, бахт-саодат ва шоду-хушроқлик, меҳнатда, ўқишда, ижода, жамоат фаолиятида муваффақиятлар тилайми! Онлангиз мустақамлашависин, хонадонингизда эса бахтиёр болаларнинг кулгуси аримасин!

Совет хотин-қизларига шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг бирлиги ва бирдамлиги!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Смарт

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ



Рисов Х. СОДИҚОВ.

МОСКВА ИШЧИЛАРИНИНГ СЎЗИ

М. С. Горбачевнинг Биринчи Давлат подшипник заводи ишчилари билан учрашуви

Партия ва давлат раҳбарларининг меҳнат коллективлари билан амалий учрашувлари, ошкора суҳбатлари қайта қуришни, кенгайтиришни демократиянинг ажралмас ҳусусияти бўлиб қолди.

Илгари хабар қилинганидек, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 4 март кунин Биринчи давлат подшипник заводи меҳнаткашлари билан учрашди.

Биринчи беш йилликда қурилган 1-ДПЗ Ватанимиз подшипник санаторининг негизи бўлди. Бу ерда 20 минг нафардан ортиқ ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда. Тармоқдаги энг катта, уч орденга сазовор бўлган бу корхонанинг маҳсулотини фақат бизда эмас, чет элларда ҳам машҳур. Завод коллективини ясаган, вазири бир неча тоналгача келадиган подшипниклар машиналар ва станокларда, ерда ва космосда, рўзгор техникасида ва мураккаб илмий асбобларда ишлатилмоқда.

Заводнинг кўп минг кишилик коллективини меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги формаларини, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш имкониятларини мунтазам изламоқда.

Биз бугунги учрашувга катта аҳамият бермоқдамиз, — деди М. С. Горбачев завод ходимларига муқожаат қилиб, — нима учун катта аҳамият бераётганлигини баътафсил тушуниришга ҳолат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ҳозир қайта қуришни, кенгайтиришни демократиянинг иккинчи босқичи бўлишида ижтимоий-ҳаётийнинг жадал мароми ҳаммага равшан, жамиятда қандай қудратли социал кучлар ҳаракатда келтирилганлигини, қандай қизқариш жараёнлари ривожланиб бораётганлигини ҳамма кўриб турибди.

Марказий Комитетнинг февраль Пленумида социализмнинг Ленин тасаввуридида қиёбасини, ҳалқ ҳокимиятини ленинча тушунишни, партиянинг раҳбарлигини ленинча услубини қайта тиклашни долзарб вазифа сифатида қўйилган қайта қуришнинг қадар тўлақонли ривожлантириш орқали, бутун иқтисодий механизмни тубдан ўзгартириш орқали, қайта қуриш шароитида партиянинг ролини қатъий янгилаш орқали амалга ошириш керак.

Булар масъулиятли, қийин вазифалардир. Бу вазифаларни Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлари муҳофаза қилишлари билан қилишлар. Партия ташаббуслари ишчилар коллективлари қандай қутиб олинаётганлигини биллиш биз учун жуда муҳимдир. Меҳнат, сиёсатни учун одамларнинг қайфиятини биллиш, жондан ҳаёт томир уришини сезиб туриш энг муҳим ишдир. Бунингсиз сиёсат жонсиз сафсатага, догматизмга айланиб қолади.

Сиёсий биро азизлари, Марказий Комитет секретарлари мамлакат бўйлаб сафар қилаётганликлари, халқ билан мунтазам учрашганликлари сезган бўлсаларингиз керак. Бошқа бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай даражадаги ҳозирги замон партия раҳбари одамлар билан, ҳаёт билан яқиндан боғлиқ бўлиши лозим. Акс ҳолда у, таъбир жоиз бўлса, поездан неч қолади — қайта қуриш босқичи берган ҳаёт демократизмига улғура олмайд. Учрашувимизга мен худди ана шу нуқтани назарда тутиб қарайман. Ҳозирги ишлар ва муаммолар ҳақида қайта қуриш вазифаларини тўғрисида сизларнинг фикрингизни эшитсам, хурсанд бўлардим.

Қайта қуриш меҳнат коллективларининг қудратли ҳаётий кенг қўлда килиб келсагина, у муқаррар тус олади. Бу Марказий Комитетнинг 1985 йилги апрель Пленумидан буён равшан. Аммо бу ҳақда эндигина реал сифатида гапириш мумкин. Нима учун? Шунинг учунки, Давлат қорхонаси тўғрисидаги Қонун кучга кирди, кўп минглаб корхоналар ва бирлашмалар шу Қонун кучга кирган шароитда иш олиб бормоқда. Шунинг учунки, миллионлаб кишиларнинг жамияти демократизмга ва тўғрисидаги ислоҳот ўтавиш борасида партиянинг ишлаб чиққан йўли амалиёт билан жонли дахлдорлиги бошланди.

Эндиликда ҳеч ким қайта қуришдан орқада қола олмади. Қайта қуриш натижасида нимадир бўларкин, деб индамасдан сойда қутиб ўтириш қийин бўлади. Эндиликда ҳар ким ўзининг шахсий позициясини, умумий сафдаги ўз ўринини бел

гилаб олишига тўғри келади. Ҳар бир киши равшанки, ҳужалик юртишининг янги шароитида ишлашда кўпгина коллективлар дуч келаятган қийинчиликларини ҳам қўришиш лозим. Бу жўғина жаран эмас, кўпгина қийинчиликларнинг объектив сабаблари бор. Улар ўтмишдан қолган планлаштириш, моддий-техникавий таъминот ва нарх белгилашдаги номувофиқликдан келиб чиқмоқда. Биз мураккаб туғулган ишчи ташлашимиз лозим. Ана шундай иш ҳозир олиб боришмоқда.

Хуллас, кўпгина масалалар тўғрисида қолди, шу масалалар ҳуусида маслаҳатлашиб олишни истар эдик. Завод бошқармасида корхона раҳбарлари, партия комитетининг азизлари, етакчи мутахассислар билан баътафсил суҳбат бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарини кўп нарсалар қизиқтирди. Корхона тўғрисидаги Қонун завод ишчилари ҳаётига қандай янгилик киритди? Одамлар бу Қонунни қандай қутиб олдилар? Ишлаб чиқаришда ҳужалик ҳисоби муносабатлари энди қандай таркиб топтомоқда? Ишчиларнинг ўз-ўзи бошқаруви дастлабки қадамлари қандай бормоқда? Коллективнинг социал ташвишларини ҳал этиш учун нимадир қилинмоқда?

Бирлашма бош директорини ишлари ва режалари ҳақида сўзлаб берди. Завод асосли равишда реконструкция қилинмоқда. Энг илгор техника, илгор технологияни жорий этиш йўлига ўтишти. Шунинг диққатга сазоворки, деди директор, ёшлар айна шу реконструкция қилинган участкаларга, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар турган иш жойларига ўтмоқдалар. Завод коллективини ҳозир икки йилдан буён ҳужалик ҳисоби шароитида ишламоқда. Меҳнат унумдорлиги ошди. Бу эса камроқ ишчилар билан меҳнат қилишга, бинобарин иш ҳақини оширишга имкон берди.

М. С. Горбачев корхона давлат буюртмаси бажарилишини қандай таъминлаётганлиги билан қизиқди.

— Бу йил, — деб жавоб қилди директор, — давлат буюртмаси биз ҳозир ишлаб чиқаришга қодир бўлган маҳсулотнинг 99,7 процентини

ташқил этади. Кўриб турибсизки, маневр қилиш учун бизда имконият йўқ. Аммо гап фақат шунинг ўзида эмас. Давлат буюртмасига энг фойдасиз, энг норентабел маҳсулот ҳам киритилган. Иқтисодий жиҳатдан ақлдор қилинмайдиган иш бўлмоқда: давлат учун фойдали нарсаси коллектив учун фойдасиз бўлиб чиқти. Ҳолбуки, ҳар бир корхона давлат буюртмаси олиш учун асда буюртма жўғи қилиш керак, чунки давлат буюртмаси материаллар билан тўла таъминланган, кўп фойда олиш имконини беради. Завод ахли давлат буюртмаси конкуре асосида, корхоналарнинг буюртма олиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун мусобақалашуви асосида берилиши лозим.

М. С. Горбачев фақат ўзаро боғлиқлик орқалигина, маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчининг манфаатларини қўшиб олиб бориш орқалигина уларнинг нормал ўзаро муносабатларини ишлаб чиқиш мумкинлигини таъкидлади. Фақат шартномалар тузиш, нормативлар ишлаб чиқиш асосидагина бу масалаларни ҳал қилиш мумкин.

Ҳал ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига кўчи. Подшипниклар каби буюмлар учун сифат даражасидан кўра муҳимроқ кўрсаткич умуман йўқдир. Ўтган йили

қилиш мумкин. Бугунги кунда коллектив ўзи ишлаб чиқарган валюта маблағларига, ўз маблағларига эга бўлишдан гоёт манфаатдордир.

М. С. Горбачев, Экспортга кўпроқ маҳсулот бера оласизми?

В. Б. Носов. Албатта, бера оламиз, бунинг учун техникавий имкониятларимиз бор, энг муҳими эса — биз валюта ишлаб топиши ва ўзини учун зарур ускуналарни сотиб олишни истаймиз. Бу ўринда маънавий жиҳат ҳам жуда муҳим: одамларнинг ўз насаб маҳоратига ишончи мустаҳкамланган, улар жаҳон даражасидаги юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқара олишлари билан фахрланишлари.

Завод партия комитетининг секретари Н. С. Аничков билан бирлашма касаба союз комитети раисининг ўринбосари Н. М. Жуков меҳнат коллективни кенгаши ишнинг ташкил этилиши, заводни социал ривожлантириш программасининг ишлаб чиқишини ва амалга оширилишини ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

Сўнгра М. С. Горбачев корхона цехларида бўлди. Ишчиларни ҳалқонга солаётган муаммолар тўғрисида улар билан батафсил суҳбатлар бўлиб ўтди. Хилма-хил масалалар кўтарилди.

Лекин асосий гап иш тўғрисида, реконструкциялашнинг қандай қилиб жадаллаштириш, қандай қилиб дунёда энг яхши маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида борди.

Силлиқловчи автоматлар соловчи Е. И. Тараторкин шу ҳақда бундай деди: ҳозир сифат — биз ишчиларнинг асосий ташвишимиз, шу сабабли бу йўналишда кўп иш қилинмоқда. Бироқ бу умумий вазифа бўлиб, уни биргаликда ҳал этиш керак. Бу вазифани биз ҳам, бизга металл, машина-ускуналар етказиб бераётганлар ҳам биргаликда ҳал этишимиз керак. Ҳозирча металлнинг сифати бизни қониқтирмайпти.

М. С. Горбачев, Ўз давлат қабулқилини металлургия ҳузурига юборинг.

Е. И. Тараторкин. Ҳамма гап шунданки, ишлаб чиқарилган маҳсулотни контрол қилиш чоғида яширин нуқсонларни аниқлаш қийин, кейинчалик тайёр буюмларнинг бутун бир туркумини ана шундай нуқсонлар тўғрисида браква чиқарадилар.

М. С. Горбачев. Сизларнинг қабул қилиш қиёбидан корхонада келтирилган маҳсулотни қабул қилиб олишда ҳам қатъий контрол бўлиши лозим. Металлургияда ҳам, сизларда ҳам контрол бўлиши керак. Заводнинг яхши материал билан бир маромада таъминланишидан манфаатдоримиз. Нима учун манфаатдоримиз? Шунинг учунки, подшипник ишлаб чиқаришда узилли бўлса, бутун халқ ҳужалик ларзага келади. Корхоналарнинг ўзи шартнома тузаётган ҳозирги шароитда сизлар: бизга керакли металлнинг бермас экансиз, буюртманингизни қабул қилмаймиз, дейишга ҳақлисиз. Бунинг устига подшипникларга давлат буюртмаси берилади, бу буюртма ресурсларни устун даражада олишни таъминлаш лозим. Хуллас, эндиликда сизларнинг ҳуқуқларингиз кўпроқ бўлиб қолди. Ҳамма нарсаси бирданга ўзгаради, деб ўйламайман. Металлургия ҳам ўз ишларини қайта қуришлари лозим, сизларда ҳам кўп ишлар бошқача олиб борилади керак. Аммо иш яхшиланаверади. Ишончим комил, яқин орада биз айтиш мумкинки, вазиятни ўз қўлимизга оламиз. Уни бизнинг

контролимиздан чиқиб кетишига йўл қўймайми. Ҳозир биз бутун машинасозликни модернизациялаш масалаларини ҳал қилишимиз. Уй-жой қурилишини жадаллаштиришни истаймиз, озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа товарлар билан таъминлашни яхшилашни истаймиз. Биз олға томон тезроқ ҳаракат қилишни хоҳлаймиз, бунинг учун эса зарур бўлган ҳамма ишларни қилиш керак. Аммо ҳамма гавлардан бирданга сарқаб ўтиб бўлмайди, бу ишни навбати билан қилиш керак.

Н. Ф. Линева, слесари. Михаил Сергеевич, бевоситашу ерга, цехга келиб, ишчилар билан қизиқайтганлигиниз бизга жуда маъқул. Ишчилар билан батафсил гаплашасиз, суҳбатлашасиз.

М. С. Горбачев. Ишчиларнинг ҳаётини, унинг қайфиятини, ахтиёрларини асосли равишда биллиш керак, деб қўсбалайман. Акс ҳолда тўғри сиёсатни ишлаб чиқиш, тўғри қарорлар қабул қилиш қийин. Ҳозир мураккаб даврда яшаймиз, у ҳаммамизга дахлдордир. Яқинда газетада катта бир завод ҳақидаги хабарни ўқидим: январь ва февраль ойларинда ишчилар камроқ иш ҳақи олганликлари хабар қилинган. Ишчи кам ҳақ олаётганлиги ачинарли ва қўнғисиз, албатта. Аммо у пулни ишлаб топмаган бўлса, унга қандай қилиб кўпроқ ҳақ тўлаш мумкин? Чунки иш ҳақи маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлатириш билан боғлиқ бўлмаса, бу «қоғозларга» нима сотиб олиш мумкин? Сиз билан биз бундай ахволини биланми: ишлаб пул топсан-у, магазинга борасан, у ерда гоҳ у маҳсулот йўқ, гоҳ буниси. Чунки илгари маҳсулот етказиб бердигини ёки бермадигини, сифати яхши-ми ёки ёмон-ми — пул олавер, деган принцип амал қиларди. Натияжаси нима бўлди? Ресурслар сарфлаб юборилди, меҳнат сарфлабди, пул тўланди, товарлар эса йўқ. Ахир шундай янаш мумкинми? Мумкин эмас, албатта. Иш шу даражада бориб етдики, баъзи заводларни маълум вақтгача деярли ёпиб қўйишга тўғри келди. Масалан, Боку рўзгор холодильникларини олиб қўрайлик. Халқ унга мутлақо қизиқмай қўйди, уни сотиб олмай қўйди. Ишлаб чиқариш тўхтатилди. Шундан кейин заводда холодильникларнинг энг яхши наму-

(Давоми иккинчи бетда).

Суратда: учрашув пайти.

(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

Эъсирли кучлардан бири деб
роҳомқоғлар. КПСС XXVII
съезди ҳужжатларида, КПСС
Марказий Комитети Бош сек-
ретари М. С. Горбачевнинг
шубҳа ҳаракатда қатъияъти
н мамлакатларнинг айрим
ахборлари билан бўлган уч-
ашушлари чоғида юқоридagi
қарор эътиҳд. Ҳиндистон
ойратидна мизоланган ва
инчиликсавар кучлар томонин
н қизғин кутил олинган «Дек-
ларацияси» ана шу
мижнано ва холис ният ме-
сидир.

Ер юзидна урушлар ва ма-
ллий мизолар, қашшоқлик
оқдикли, саводсизлик ва
оқал адолатсизликна ўрин
қилмаслик лозим. Қўшилмас-
лик ҳаракатда ҳафталиги муно-
абати билан Ер юзидин тур-
нуталарда бўлиб ўтган на-
ошай ва йингилашларда, ми-
нинг ва юришларда ана шу
осийон, қонуний талаблар
қилдирилди.

T. CONNER

АХБОРОТ

ЯНГИ МИКРОРАЙОНЛАР

Республика пойтахтининг Сергели районига учта янги микрорайон қурила бошлади. Бу ерда бинокорлар, аввало инженерлик тармоқларини битказиб, шундан кейин уйлари уларга «боғлай бошлайдилар». Пленга кўра, келаси йили бу ерда дастлабки уйлар битказилиши керак.

Районда уй-жой қурилиши интенсив суръатлар билан авж олдирилмоқда. Шу йил Сергелининг биргина 16-кварталда 50 минг квадрат метрдан кўпроқ саноли уй-жойини қуриб битказиш мўлжалланади. Айни пайтда савдо маркази, мактаблар, боғчалар қурила бошлади.

[ЎТАГ]

МАШИНАЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ

Наманган шаҳрининг 3-микрорайонига шахсий автомобилларга техника хизмати кўрсатилган янги станция иш бошлади. Бу станция Наманган об-ластидagi шундай станцияларнинг учинчиси бўлиб, бошқаларидан биринчи афзалликларга эга. Бу ерда бир вақтнинг ўзига авто-билларга комплекс техника хизмати кўрсатилади. Бундан ташқари кузовлар ремонт қилинади. Автомобилларнинг барча турдаги мойлаш материаллари марказлашган ҳолда алмаштирилади.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ.

СУРАТДА: Фаргона шаҳар тўқимачилик комбинати Маданият уйи қошдаги «Юлдуз» фольклор-халқ ан-

самбли 8-Март — Халқаро ҳар тўқимачилик комбинати Маданият уйи қошдаги «Юлдуз» фольклор-халқ ан-

БЕБАХО ХАЗИНА ТОПТАЛМАСИН

Ўзбекистон тарихий обидаларига бой маскан. Унинг тер-риториясидан бундан 600 минг, 100 минг йиллар бурун йи-ган андодларимизнинг маконлари топилмоқда. Биз бу бе-баҳо хазинага қандай мўносабда бўлмоқдамиз. Газета-мизнинг ўтган йил 203-сониди «Асрлар ва насллар мулки» ҳамда 225-сониди босилган «Бебаҳо хазина нега топилапти?» мақолаларида ана шу ноб хазиналарга нисбатан эъти-борсизлик фактлари очиб ташланган эди. Редакция ана шу мақолалар юзасидан расмий жавоблар олди.

«АСРЛАР ВА НАСЛАР МУЛКИ»

— Республика Маданият ми-нистрлиги мақола билан ки-дидий тенгишчи чинди, — дей-лади министрлик маданият ёдгорлик илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошли-ги Ф. Ашрафий мазоли билан олган жавобда. — Мақола республикада маданият ме-росини сақлашда ва республи-када Маданият министрлиги, маданият ёдгорликларини сақла-ш республикада жамияти ҳамда Бухоро об-ластиди иж-роия комитети ва махаллий Со-ветлар томонидан қабул қи-линган тадбирларнинг бака-ричилишига ҳам қатта туртки бўлди.

Министрлик 1986 йилда Бухоро шаҳри ва об-ластдаги ёд-горликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларига 975 минг сўм, ёдгорликларини му-ҳофаза қилиш жамияти томо-нидан 110 минг сўм ажра-тилган эди. 25 дан зиёд ар-хитектура ёдгорликларини таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Эшон пир комплекси, Саид Камол, Ко-кули Курд мадрасалари ва бошқа ёдгорликларини таъ-мирлаш ишларидаги ётмоқда.

Бухоро шаҳар ижроия ко-митети Маскини Калонга ту-таш кўчаларини қуриш, савдо ва устаконаларини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиши учун Москвадаги савдо ва кўргазмалар ишловлар мар-кази илмий-тадқиқот институти-га буюртма берди. Бу лойи-ҳани ишлаб чиқаришга жорий этишни Бухоро шаҳар ижроия комитети ва республика Гос-строй нарху баҳо деб топмади ва у қайта ишлаш учун лойи-ҳачиларга қайтарилди.

Бугунги кунда Токи Заргар-ов ва Токи Телпак Фурушон ёдгорликларини таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Таъмирлаш шу йил нўҳояси-га етказилади.

XIV аср ёдгорлиги — Ба-ён Кулихон ва Сайфутдин Бу-хорин мақбараси ҳақида шу-ни айтиш керакки, министр-лик ёдгорликларини муҳофа-за қилиш жамияти билан ҳа-корликда ноб ёдгорлик ани-да жойлашган темир йўлини олиб ташлаш масаласида ўн йиллардан бундан овозро-и сар-сон бўлмоқда. Биз бу маса-ла юзасидан республика те-гишли идоралари ва Бухоро об-ласт ижроия комитетига мурожаат қилдик. Ҳозирги пайтда УНР-987 базаси учун ушкетте ажратилди. База қу-рилишидан сўнг темир йўли олиб ташланади. Лойиҳада ёдгорлик территориясиди му-ҳофаза зонасини яратиб қу-риб чиқилган.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳрида Ўзбекистон таъмир-лаш илмий-тадқиқот инсти-тутининг А. Валючина бош-чилигидаги архитектура-лойи-ҳачилар группаси архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ишларини назорат қилмоқда.

Турли давр ёдгорликларини таъмирлашда замонавий қури-лиш материаллари қўлланила-ётгани масаласига келганда, Бухородаги махсус илмий-таъ-

мирлаш ишлаб чиқариш уста-хонасининг ишлаб чиқариш базаси ва республика Госпла-нидан Маданият министрлиги учун ажратилган қурилиш материаллари таъмирлашнинг зарур шартларида жавоб берилади. Ўзбекистон таъмир-лаш илмий-тадқиқот институ-ти илмий бўлими қадимги меъморлар қўлланилганда мос келувчи муҳтакам қурилиш материаллари ушда тадқи-қот олиб боришмоқда. Инсти-тут таъмирлаш ҳодимларининг таъмирлаш таъмирлаш лойи-ҳаларини тайёрлашда ҳисобга олганмоқда.

Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш томонларини таъмирлаш ишларини бақариш учун 1982 йилда таъмирлаш бадий устаконасини ташкил этилган эди. 1986 йилдан бу-ён Баланд масжиди, Ф. Ҳу-жаев уйи ва Ситораи Моҳи-хона комплексиди иш олиб боришмоқда.

Ҳозирги вақтда Бухоро му-заей кўрхонасиди Бухоро ша-ҳар ижроия комитети билан ҳа-корликда ёдгорликлар ҳу-зурида туризм ва маданият-майиш бинолар қуриш бўй-ча тақлифлар тайёрланапти.

— Бўён Кулихон ёдгорлиги ёндаги темир йўлини жи-лдиди ва унинг атрофини обод-лаштириш ҳақида кўта-риқли масала ҳузурида шу-ни таъкидлаш керак, — дейилди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Совети иж-роия комитети расми Ш. Ҳайрулла-ев мазоли билан олган рас-мий жавобда. — Ҳақиқатан ҳам инкилобдан олдин қури-лган темир йўлдан бугунги кунда ҳам фойдаланиб кели-нмоқда. Бу йил шаҳар чека-сида УНР-987 қурилиш база-сини қуриш планлаштирилган. Шаҳар Совети ижроия ко-митети ёдгорлик атрофини обод-лаштириш бўйича тадбир-лар белгиланади.

Бухоро махсус илмий-таъ-мирлаш ишлаб чиқариш уста-хонасини базасини муҳтакам-лаш ва кенгайтириш бўйича му-айян ишлар амалга оши-ришмоқда. Унинг иш ҳақида билдирилган таъкид тўғри. Таъмирлаш ишлариди базан сифатсиз гишт, ганч ва бошқа қурилиш материалларидан фойдаланилмоқда. Бунда қўл меҳнати ҳамон юқориликча қолмоқда.

Ҳозирги пайтда махсус ил-мий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устаконасининг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида республика Госпла-нига махсус тақлиф билан чи-қилди ва база қурилиши 1990 йилда бошлаб юборилди.

Таъмирлаш ишларининг си-фатини яхшилаш бўйича ҳам қўшмача тадбирлар ишлаб чи-қилди.

Махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устаконасини ҳу-зурида археологлар, архитек-торлар, лойиҳачилар, тарихчи-лар, гидротехниклар ва бошқа муҳтакамлардан иборат ке-нгайиш Тошкент шаҳрида мах-суслар билан у Бухорода муай-ян ишлар олиб бораётганини са-били бундай кенгашии ташкил этиш мақсада музофок эмас, деб топилди.

Токи Заргаронда заргарлик буюмлари билан савдо қи-ладиган, турли хил зеби-зийнат-



Мехнатга яраша омон ва шараф!

Мавзуга қайтиб

БЕБАХО ХАЗИНА ТОПТАЛМАСИН

ларни ясаб берадиган дўкон-лар очиб бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб бориш-моқда. Заргарлик буюмлари-ни ремонт қилдиган ва бош-кийим устаконалари ишлаб ту-рибди.

«БЕБАХО ХАЗИНА НЕГА ТОПТАЛМАСИН?»

— Область Совети ижроия комитети область террито-риясиди жойлашган археоло-гийн нодир ёдгорликлар Даварзентега ва Мингтега бўйича айтилган таъкид-ий фикрлар асосли, — дейилди Анджон область Совети иж-роия комитети расми ўринбо-сари К. Асронкулова мазоли билан олган расмий жа-вобда. — Область тарих ва ма-даният ёдгорликларини сақлаш жамиятида бўлган йилгилашда барча махсус ҳодимлар иш-ти-рониди мақола кенг муҳо-ма қилинди.

Жалолқудуқ район «Ойми-с» совхозиди бўлиб ўтган тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти район со-ветининг кенгайтирилган йил-гилашда қишлоқ Совети бош-ланғич таъкилот расми ўз-вазифасидан овоз этилди. Со-вхоз директори А. Қасимов со-вхоз бошланғич таъкилотининг расминига сайланди. Район тарих ва маданият ёдгорлик-ларини сақлаш жамиятининг махсус секретари Д. Мамат-алиев оғохлангилди. Со-вхоз ишчиси Ж. Умаров ар-хеологик ёдгорлик террито-риясига экин экиб, қонунни бузганлиги учун унинг иш-и совхоз маъмурий комиссия-га топширилди.

Мархамат район ижроия ко-митети Мингтега территория-сиди асфальт қечини, Свердлов ноили колоҳага қарашли паррандчилик фермасини бошқа бинога кўчириш тўғ-ри-сида қарор қабул қилган.

— Мақола шаҳар ижроия комитети йилгилашда қуриб чиқилди, — дейилди Жинжаз шаҳар партия комитети се-кретари А. Нафоев мазоли билан олган расмий жавобда.

— Ҳақиқатан шаҳардаги ай-ро муассаса ва таъкилотлар раҳбарларининг махсуслашти-рилган тўғрилай археологик ёдгорликларини сақлашда жи-дидий нуксонларга йўл қўйилган. Жумладан, Қалъатепе, Осто-тепа сингари тарихий аҳамия-та эга бўлган археологик ёд-горликлар бир неча йил мо-байнда бузиб келинган. Ме-бель фабрикаси қурилиш муносабати билан Энгельс ноили ва «Коммунизм» со-вхозлари территорияларида жойлашган Кумтепа ва Ку-мозортепа ёдгорликлари қис-ман вайрон бўлган. Ёдгорлик-ка якин жойлашган 9-махсус меҳанизациялашган кўча қо-лонга, «Узгарпромстрой» 2-трестига қарашли районларро

РЕДАКЦИЯДАН: Обидлар — асрлар ва насллар мулки. Биз уларнинг ҳар бири ардоқлаб асрай олишимиз ва келажак авлодга ет-казиб билишимиз керак. Афсуски, кўп жойларда бунга ама-ли қилинмаптир. Жумладан, мақолада тилга олган Қашқадар-област Яқобов райондаги «Шарк юлдузи» қолхози терри-ториясиди жойлашган Сариттепа шаҳарчасининг тақдир ҳе-қида халқига жавоб олганми йўқ. Республикада терри-ториясиди қўпгина обидлар вайрон бўлиш афрасиди тур-ганлиги билан сира келишиш бўлмайди.

Тарихий ёдгорликларини сақлаш, уларни таъмирлаш ва шу асосда меҳнатқиларини эстетик руҳда тарбиялаш борсиди қилинган ишларнинг боришини «Совет Ўзбекистони» га-зетаси ўз назоратига олади.

• Тингланг, томоша қилинг

8 МАРТ, СЕШАНБА

зиш. Халқаро мусобақалар. 12.05 — Мультифильм. 12.25 — «Сеҳрли куч». Вадий фильм. 13.30 — Жаҳон халқларининг ижоди. 14.25 — Сени сепаман ҳаёт. 14.40 — Ангилла? 15.40 — Мультифильмлар. 16.00 — Хонкей. «Спартак» — МАСК 18.15 — Степ оҳанглариди сайр. Фильм-концерт. 19.05 — Халқ-жугли фильм. 19.45 — Халқ-жугли, иккинчиди. 20.00 — Футбол. «Днепр» — «Динамо»

Ҳафталик об-ҳаво

Ўзбекистон ССР Гидроме-теорология марказининг ха-барига кўра, келгуси ҳафта-да ўткини мавсумга хос бўл-ган беқарор об-ҳаво устун келиши кутилмоқда. Айрим қунларни ёмғир, шимолда ва тоғлиқ районларда қор ёга-ди. Шамол вақти-вақти билан соқунда 15 метргача кучайиши мумкин.

Ҳафтанинг биринчи ярми-да кечаси 0—5, кундузи 5—10 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё об-ластларида кечаси 2—7 кундузи 7—12 даража ис-сиқ, шимолдиди районларда кечаси 2—7 даража соғу-қ, кундузи 1—6 даражагача иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг иккинчи ярми-да ҳарорат секин-аста қу-рилади: кечаси 5—10, кун-дузи 15—21 даражагача ис-сиқ бўлади. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм об-ластиди кечаси 2—7, кундузи 12—17 даража иссиқ бўлади. Республика жанубиди ҳаво кечаси 8—13, кундузи 20—25 даражагача исийди.

[ЎТАГ]

Рассом хангаси

Изоҳнинг ҳолати йўқ. Ш. Субҳониди ва М. Уи-гаров расмлари.



Хавфли ўйин

• Ҳодиса

Самарқанд район матлубот совоига қарашли Тельман қишлоқ матлубот жамиятида дурадгор бўлиб ишловчи С. Латипов 8-синфда ўқийдиган ёш дўстлари Александр билан Шухратга «Жугли» машинасида кечаси Самар-қанд йўлида сайр қилиб, «қўнғил очиниш» тақлифи ҳам унинг тақлифига бажо-нидиди рози бўдилар, улар-нинг назариди «қаровис» қолган энгил автомашина-нинг олдиндаги ойнасини қу-риб олиш ҳақидаги тақ-лифга ҳам эътироз билди-радлар. Ойнага қўшиб ра-диолонга ва магнитофонни олиб кетишди. Ўғирланган буюмларни яширишча ўз ма-шиналарига жойлаштираётган-ди, уларни милиция патру-ли қўлга туширди.

Воғишамол халқ суди С. Латиповни ўғирлик қилган-лига ва бу ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига бағоятга ет-маган болаларни жалб эти-ганлиги учун ўн йил озод-ликдан маҳрум этишга ҳуқу-қ қилди. Ўғирлар ҳам тегиш-ли жаза олдилар. Улар ўқи-ётган мактаб, ота-оналари номига суд ҳусусий ажрим чикарди.

— Болалар қонунини бил-ганлариди, уни бузмаган бў-лар эдилар, — Воғишамол халқ суди расми А. Юнусов бу вазиятдан қутилмаганда шундай ҳулоса чикарди. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлариди чорак асрдан кўпроқ ишламоқда. — Ма-вдлу бўлишча, мактаб ўқу-чилари бундай «қўнғил

«Совет Ўзбекистони»нинг набабдиги сон 10 марта

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

20.40 — Катталар учун мул-тифильм. 21.05 — «Янги уч-рашулар». Фильм-концерт.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 6.30 — Ойнақонлар, асалом! 8.30 — Қўшнинг Сизга аргумон. 9.15 — Дугоналар. 10.15 — С добрым утром! 11.30 — Эстра. да минигаторлари. 12.10 — Ишчинона. 12.30 — Байрам муношараси. 12.50 — Сурнай навалари. 13.00 — Ўзбекистон чорвалари. 13.30 — Бу қўш-син учун. 14.00 — Қишлоқ ҳу-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАЁТНИНГ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕСИ ИККИ БАРАВАР ФОЙДАЛИ!

Страхованиенинг бу тури бўйича шартнома туз-сангиз, анчагина миқдорда маблағ жамғара ола-сиз. Айни пайтда шуни айтиш керакки, умумий страхование суммасига, страхование муддатига ва страхование қилдирувчининг ёшига боғлиқ бўлган ойлик страхование тўловлари учна кўп эмас.

Шартномани 5 йилдан 20 йилгача муддатга ка-мида 300 сўм пулга тузиш мумкин.

Мабодо шартномада кўрсатилган даврда страхо-вание қондаларида кўзда тутилган жароҳатланиш ёки бошқа ҳодисалар оқибатиди меҳнат қобили-тингизни тўла ёки қисман йўқотсангиз, бу ҳолда Госстрах органлари умумий страхование пулини ёки унинг тегишли қисмини Сизга тўлайди. Бунда «Б» тарифи бўйича пул миқдори икки баравар ор-тади, «В» тарифи бўйича эса уч баравар ортади. Страхование муддати тугагач, страхование қил-дирувчига шартномада кўрсатилган миқдорда пул тўланади.



Страхованиенинг бу тури тўғрисида тўла маълу-мотини Госстрах инспекциялариди ёки ташкило-тингизга хизмат қилувчи страхование агентиди олишнингиз мумкин. ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ-СИ БОШ БОШҚАРМАСИ. (Телефон 33-33-27).

СПОРТ ЖАМИЯТЛАРИ ВА ИНТЕРНАТЛАРИ, УРТА МАКТАБЛАР ВА БОШҚА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҲАР БИР КОМАНДА—ЎЗ СПОРТ ФОРМАСИГА ЭГА БЎЛСИН!

Бу спорт формаларини шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларининг мо-ҳир қўли чевар талаба-лари тикиб беришди. Буюртмангизга кўра улар турли ёзув, эмбле-ма, расм тасвири туши-рилган трикотаж трико ва футболкаларини, шу-нингдек, пайпоқ ва қал-поқчаларни тайёрлаб бе-радидлар. Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқар-масининг «Золотинка» фирма магазини трико-таж спорт формаларини тайёрлаш ва пул ўтказиш йўли билан реализация қилиш юзасидан буюрт-малар қабул қилади.

Мурожаат учун адрес: Космонавтар про-спекти, 41-уй (метронинг «Ойбек» станцияси). ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ «ЗОЛОТИНКА» ФИРМА МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ВЯРЛАШ-МАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да Оловик фаршати, 9/III да Онукус кў-ли, 10/III да Зебуниссо, 11/III да Раймонда (19.00), иккинчиди экс-периментал сахнада Одам ово-зи. Телефон. (17.00).

Ишга жойлашувчининг онка аъзолари сонига қараб уй-жой берилади.

Мехнатга — ишбай-муко-фотли тарада ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Космонавтар про-спекти, 6-уй. Аҳо-лини ишга жойлаштириш бюроси.

«Совет Ўзбекистони»нинг набабдиги сон 10 марта

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

20.40 — Катталар учун мул-тифильм. 21.05 — «Янги уч-рашулар». Фильм-концерт.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 6.30 — Ойнақонлар, асалом! 8.30 — Қўшнинг Сизга аргумон. 9.15 — Дугоналар. 10.15 — С добрым утром! 11.30 — Эстра. да минигаторлари. 12.10 — Ишчинона. 12.30 — Байрам муношараси. 12.50 — Сурнай навалари. 13.00 — Ўзбекистон чорвалари. 13.30 — Бу қўш-син учун. 14.00 — Қишлоқ ҳу-